

## УСПЕХИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В СФЕРЕ ПРОФИЛАКТИКИ И БОРЬБЫ С ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТЬЮ

**Б.К. РУСТАМОВ**

Слушатель Магистратуры Академии  
МВД Республики Узбекистан

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы в сфере профилактики и борьбы с организованной преступностью, а также вопросы дальнейшего повышения эффективности организационно-профилактических мероприятий по созданию безопасной среды в махаллях, усиления персональной ответственности субъектов, осуществляющих мероприятия социальной профилактики, внедрения механизмов адресной работы на основе отдельного подхода.

**Ключевые слова:** сообщество, организованная преступность, наркотрафик, киберпреступность, экономические преступления, коррупция, адресная профилактика, адресная социальная защита.

## ON THE QUESTION OF USE OF THE RESULTS OF OPERATIVE SEARCH ACTIVITIES IN CRIMINAL PROCESS

**B.K. RUSTAMOV**

Master's student at the Academy of the Ministry  
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

**Annotation:** The article discusses issues in the field of prevention and combating organized crime, as well as issues of further improving the effectiveness of organizational and preventive measures to create a safe environment in mahallas, strengthening the personal responsibility of subjects carrying out social prevention activities, and introducing targeted work mechanisms based on a separate approach.

**Key words:** organized crime, drug trafficking, cybercrime, economic crimes, corruption, targeted prevention, targeted social protection.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИ

**Б.Қ. РУСТАМОВ**

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси Магистратура тингловчиси

**Аннотация.** Мақолада уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги масалалар, шунингдек, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича ташкилий-профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш, алоҳида ёндашув асосида манзилли ишлаш механизмларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ҳамжамияти, уюшган жиноятчилик, наркотрафик, кибержиноятчилик, иқтисодий жиноятлар, коррупция, манзилли профилактика, манзилли ижтимоий ҳимоя.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга, шунингдек жамиятда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фақат сўнгги беш йил ичида Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган 300 дан ортиқ қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 мингдан зиёд қарорлари қабул қилинди. Хусусан, «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ишларни ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари ва тартиблари жорий этилди, давлат органларининг

жамоат тузилмалари билан манзилли ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Ислохотлар натижасида республикада Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун зарур бўлган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослар яратилди.

Уюшган жиноятчилик — жаҳон ҳамжамияти олдида турган ўткир ва мураккаб муаммолардан биридир. Уюшган жиноятчилик глобал хавфсизликка жиддий таҳдид солади. У инсонларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид қилиб, инсон ҳуқуқларини бузади ҳамда бутун дунёда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва фуқаролик ривожланишига путур етказди. Д. Валижоновнинг фикрига кўра, «Сўнгги ўн йилликларда ушбу ижтимоий иллат алоҳида ижтимоий хавфли тус олди, чунки у трансмиллий хусусият касб этди. Жиноятчилик суверен давлатларнинг ҳудудий чегараларидан чиқиб, байналмилал тус олди»<sup>1</sup>. Бугунги жиноятчиликнинг халқаро, минтақавий ва миллий тенденциялари ҳамда қонуниятларини тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Уюшган жиноятчилик — бу катта миқдорда даромад олиш мақсадида бирлашган барқарор жиноий гуруҳлар ва уюшмалар фаолиятига асосланган кенг кўламли криминал ҳодисадир. У иерархик тузилма, профессионализм, давлат ҳокимияти ва бизнес вакиллари билан коррупциявий алоқалар, шунингдек мунтазам равишда зўравонлик ёки таҳдид қўллаш билан тавсифланади. Шунини таъкидлаш лозимки, хорижий ҳуқуқшунослар орасида уюшган жиноятчиликка нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муносабат масалалари бўйича VIII Конгрессида уюшган жиноятчилик «ички тузилмага эга бўлган ташкилотлар ва бошқа гуруҳлар томонидан кенг миқёсда амалга ошириладиган, ноқонуний товарлар ва хизматлар бозорини яратиш ва улардан фойдаланиш орқали молиявий фойда олиш ҳамда ҳокимиятга эришишга қаратилган мураккаб жиноий фаолият турлари»<sup>2</sup> сифатида белгиланган. Келтирилган иқтибослардан кўриниб

---

<sup>1</sup>Д.Валижонова Теоретико-правовые аспекты борьбы с транснациональной организованной преступностью // Обзор законодательства Узбекистана – 2020 – № 3, – С. 71–74. ,

<sup>2</sup>Организованная преступность / Под ред. А.И. Долговой, С.В. Дьякова. - М.: Академа, 2011. - С. 4.

турибдики, уюшган жиноятчилик бир ҳолатда «барқарор ва бошқариладиган жиноий уюшмаларнинг оммавий гуруҳи», бошқа ҳолатда эса «мураккаб жиноий фаолият турлари» сифатида таърифланади.

Шубҳасиз, халқаро ҳамжамият уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида қатор ҳужжатларни қабул қилди. Улар қаторига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг конвенциялари (масалан, 2004 йил 8 январдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция<sup>3</sup>) ва бошқалар киради. Ушбу ҳужжатларда уюшган жиноятчилик барча мамлакатларга таъсир кўрсатувчи трансмиллий ҳодисага айланганлиги таъкидланган. Шу билан боғлиқ равишда уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади, чунки ҳозирги вақтда трансмиллий жиноий тузилмалар фан ва техниканинг барча ютуқларидан фойдаланмоқда<sup>4</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги вақтларда Ўзбекистон Республикаси ҳам наркотрафик, одам савдоси, кибержиноятчилик, иқтисодий жиноятлар ва коррупция каби муаммоларга дуч келмоқда. Бунга юқори технологиялар, транспорт, халқаро молиявий тармоқлар ривожланиши, шунингдек халқаро иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар сабаб бўлди. Ҳозирги вақтда уюшган жиноий тузилмалар фан ва техниканинг барча ютуқларидан фойдаланмоқда. Уларнинг асосий мақсади даромад ва ўта юқори фойда олишдан иборат. Моддий манфаатлар ҳам ноқонуний хизмат ва товарларни тақдим этиш, ҳам қонуний хизмат ва товарларни ноқонуний шаклда амалга ошириш орқали қўлга киритилади. Олинган ноқонуний даромад маълум бир банк операциялари тизими орқали «ювилади», сўнгра унинг бир қисми жиноий фаолиятни қайта тиклаш ва жиноий ташкилотлар эҳтиёжларини таъминлашга

---

<sup>3</sup> Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2004 г., № 1.

<sup>4</sup> Астахова Е.А. Современные виды транснациональной преступности. / Астахова Е.А. // Правовая политики и права жизнь. –2023. –№.3. – С.88-90.

йўналтирилади, бошқа қисми эса банк ҳисобварақларига жойлаштирилади ёки кўчмас мулкка инвестиция қилинади<sup>56</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар салоҳиятини ошириш ҳамда халқаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирларни ўз ичига олади. 2024 йилда Ўзбекистон БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси кўмагида ўз тарихидаги биринчи Уюшган жиноятчиликка қарши кураш миллий стратегиясини ишлаб чиқишни бошлади. Мазкур стратегия БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бошқармасининг Уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияни амалга ошириш бўйича Глобал дастури<sup>7</sup> кўмагида ишлаб чиқилмоқда. Ушбу дастур уюшган жиноятчиликка қарши курашиш учун аъзо давлатларга техник ёрдам ва кўмак тақдим этади. Мазкур дастур жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида БМТ стратегиялари ва стандартларини ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутади, шунингдек мамлакатларга умумий трансмиллий жиноятчиликка қарши курашишда ёрдам беради.

**Асосий йўналишлардан бири — уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ҳисобланади.** Маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш бўйича ташкилий-профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш, криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларда алоҳида ёндашув асосида манзилли ишлаш механизмларини жорий этиш мақсадида 2025 йил 8 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Маҳаллаларда жиноятчиликни эрта

---

<sup>5</sup> Ю.Л. Колесников, Б.И.Исроилов, К.В.Швецов, Н.Г.Каримов, И.С.Хотамов, Г.Ш.Кара-баева, А.А.Исламов. Учебное пособие. Санкт-Петербург политехнический университет. СПб, 2018 г. С. 255.

<sup>7</sup> [https://www.unodc.org/res/strategy/full-strategy\\_html/full-strategy\\_RU.pdf](https://www.unodc.org/res/strategy/full-strategy_html/full-strategy_RU.pdf). (Мурожаат вақти 25.05.26.)

огоҳлантириш тизими самарадорлигини янада оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–253-сон қарорни имзолади<sup>8</sup>.

**Қарор қабул қилинишидаги асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:**

охирги беш йил давомида криминоген вазияти мураккаб бўлган «қизил» тоифага киритилган маҳаллаларда жорий йил якунига қадар алоҳида ташкилий-профилактик тадбирларни ўтказиш орқали хавфсиз муҳитни яратиш;

криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни сунъий интеллектда ишловчи махсус дастурий таъминотга интеграция қилинган замонавий кузатув камералари билан тўлиқ қамраб олиш;

жорий йил якунига қадар жисмоний шахслар мол-мулкини техник қўриқлаш қамровини 30 фоизга, юридик шахслар мол-мулкини қўриқлаш қамровини эса 60 фоизга етказиш;

криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда манзилли тадбирларнинг натижадорлигини таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари ва ташкилотлар, таълим ва илмий муассасалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш.

Ҳужжатда «қизил» тоифага киритилган, яъни сўнгги беш йил ичида юқори криминоген вазият кузатилган маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратишга қаратилган профилактик ишлар устувор йўналишлари ва механизмлари белгилаб берилган.

Энг асосий мақсад, албатта, махсус ташкилий-профилактик тадбирлар ҳамда илмий асосланган ёндашувлар орқали вазиятни барқарорлаштириш ва жиноятчилик даражасини камайтириш ҳисобланади. Ишлар қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

- манзилли профилактика;
- қонунийлик;
- ҳар бир оила ва фуқарога нисбатан индивидуал ёндашув;

---

<sup>8</sup>Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.08.2025 й., 07/25/253/0752-сон.

- илмий ва амалий усулларни интеграция қилиш.

Шунга мувофиқ, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, профилактика чораларини илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш — олий таълим муассасалари томонидан мунтазам тадқиқотлар ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши белгиланган.

**Концепция қоидаларининг ижроси учун шахсан қўйидагилар масъул этиб белгиланган:**

- Бош прокурор ва ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосарлари;
- ҳудудий прокуратуралар ва ички ишлар бошқармалари раҳбарлари;
- ИИВ Академияси, Тошкент давлат юридик университети, Жамоат хавфсизлиги университети раҳбарлари;
- барча даражадаги ҳокимлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси.

Шубҳасиз, қарорда йил охирига қадар туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқлари ва прокурорларининг хизмат хоналарини бевосита маҳаллаларда ташкил этиш белгилангани алоҳида эътиборга лойиқ. Уларнинг хизмат куни айнан маҳаллада бошланиб, шу ерда яқунланади. Шунингдек, ҳар бир маҳалла учун ҳар ойда индивидуал «йўл хариталари» тасдиқланади. Масъул шахслар (прокурор ўринбосарлари, ИИВ ва профиль хизматлар раҳбарлари) ҳафтасига уч марта шахсан маҳаллада иш олиб борадилар. Бундан ташқари, патрул хизматлари, навбатчиликлар, жамоат тартиби пунктлари ташкил этилади, икки-уч нафар профилактика инспектори, жумладан битта катта инспектор жорий қилинади. Ҳар пайшанба куни «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» деб эълон қилиниб, ҳудудий ички ишлар бошқармалари раҳбарлари маҳаллаларга чиқиб, вақтинча профилактика инспектори вазифасини бажарадилар.

Маҳаллаларда хавфсизликни кучайтириш мақсадида янги қўриқлаш режими жорий этилмоқда — фуқаролар ва ташкилотлар мол-мулки ИИВ томонидан тасдиқланган тарифлар асосида янги механизм бўйича қўриқланади. Қўриқлаш

хизматларидан фойдаланиш бозорлар, савдо марказлари, автовокзаллар, энг гавжум метро станциялари, боғлар, ресторанлар, кафе, барлар ва бошқа кўнгилочар муассасалар, шунингдек бўш турган уйлар учун мажбурий қилиб белгиланади. Криминоген вазият барқарорлашгунга қадар чекка ҳудудларда маҳаллий бюджет ҳисобидан патрул гуруҳлари ташкил этилади. Қарорга мувофиқ, 2025 йил охирига қадар жисмоний шахслар мол-мулкини техник кўриқлаш даражаси 30 фоизга, юридик шахсларники эса 60 фоизга етказилиши режалаштирилган. Жиноятчилик даражаси юқори бўлган ҳудудларда сунъий интеллект тизимига интеграция қилинган видеокузатув камералари ва жамоат жойлари ҳамда турар жойларда «ташвиш тугмалари» ўрнатилади.

Қарорда қайд этилишича, эндиликда айрим тоифадаги фуқаролар (вояга етмаганлар, аёллар, ишсизлар ва бошқалар) билан ишлаш фақат тизимли ва манзилли хусусиятга эга бўлиши лозим:

- муаммоли оилалар устидан кузатув ҳар уч кунда камида бир марта амалга оширилади;
- судлашув жараёнидаги оилаларга адлия органлари томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

«**Маҳалла еттилиги**» профилактика объектларини биометрик идентификация қилиш имкониятига эга планшетлардан фойдаланади;

Ўсмирлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ИИВ инспекторлари ва педагоглар ўртасида мунтазам ўтказиладиган сессияларнинг доимий мавзусига айланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон манзилли ижтимоий ҳимояни таъминлаш учун маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос тизимидан фойдаланади. Маҳаллалар муҳтож оилаларни, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлашда, шунингдек давлат ёрдамини тақсимлашда («Маҳаллабай» тизими<sup>9</sup> муҳим ўрин тутди.

---

<sup>9</sup>«**Маҳаллабай**» тизими — бу Ўзбекистонда давлат органларининг аҳоли билан бевосита маҳалла даражасида ишлашини таъминлайдиган, муаммоларни манзилли ва тезкор ҳал этишга

«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»<sup>10</sup>ги қонун қабул қилинганидан сўнг, 2024 йил июнь ойида зўравонликдан жабрланган аёллар ва болаларга ёрдам кўрсатиш тартиби тасдиқланди, бу эса инқироз марказлари ва бошқа қўллаб-қувватлаш хизматлари фаолиятини назарда тутди.

Шубҳасиз, Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган махсус дастурлар мунтазам равишда қабул қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларга мансуб фуқароларга меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бепул таълим олиш ва янги касб эгаллаш имконияти яратилмоқда. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятга интеграция қилиш чоралари кучайтирилмоқда, уларнинг мустақил ҳаёт кечириши ва меҳнат билан таъминланиши учун шароитлар яратилмоқда. Ногиронлиги бўлган шахслар учун коммунал хизматлар бўйича компенсациялар ва айрим солиқлардан озод қилиш каби турли имтиёзлар назарда тутилган.

Юқорида қайд этилган уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги муаммоларга қарамасдан, Ўзбекистон муайян ютуқларга эришди, хусусан:

- **Numbeo** маълумотларига кўра, 2025 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон минтақадаги энг хавфсиз мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилди (*жиноятчилик даражасининг пастлиги*);

---

қаратилган бошқарув тизимидир. Унинг асосий мақсади ҳар бир хонадоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-209-сон Фармони.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2 сентябрь 2019 йилдаги Қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 10.12.2021 й., 03/21/736/1144-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 19.10.2024 й., 03/24/977/0831-сон; 30.12.2025 й., 03/25/1109/1241-сон.

•2021 йилдан бошлаб жиноятчилик даражасининг пасайиши кузатилмоқда (*аввалги йилларда жиноятчилик ўсган бўлса-да, сўнги йилларда унинг аниқ камайиши қайд этилмоқда*).

Хулоса қилиб айтганда, дунёда уюшган жиноятчилик жамият, иқтисодиёт ва технологиялардаги ўзгаришларга мослашган ҳолда доимий равишда ривожланиб бораётган мураккаб ва динамик ҳодиса ҳисобланади. Шу муносабат билан уюшган криминалитетга қарши кураш стратегияси ва тактикасини мунтазам такомиллаштириб бориш зарур. Уюшган жиноятчиликка қарши курашда халқаро ва миллий (ички давлат) қонунчиликда мустаҳкамланган ҳуқуқ нормалари алоҳида аҳамиятга эга.